O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI

«...Бу муҳим ғалаба саноатимизнинг қайта ишлаш соҳаларини қимматбаҳо хомашё билан таъминлаш, мамлакатимизнинг бойлигига бойлик қўшиш, шу тариқа Ватанимизнинг иқтисодий қудратини юксалтиришга хизмат қилиши муқаррар».

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2007-yil • 16-oktabr • Seshanba • 128 (27.773) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили



ОИЛА — МУҚАДДАС ДАРГОҲ

Инсондаги энг эзгу фазилатлар, унинг дунёқараши, ҳаётга бўлган муносабати дастлаб оилада шаклланади. Шу боис Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг ёрқин самараларини бермоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Республика «Маҳалла» хайрия жамғармасининг Тошкент шаҳар бўлимлари ҳамкорлигида ташкил этилган «Оила — муқаддас даргоҳ» мавзуидаги анжуманда ана шулар ҳақида сўз борди.

Тадбирда пойтахтимиздаги яқинда оила қурган ёш келинкуёвлар, ҳуқуқшунос, психолог олимлар, маҳалла, хотин-қизлар қўмиталари фаоллари, диний-маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилар иштирок этди.

Анжуман олдидан тадбир иштирокчилари Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, ҳурриятимиз, порлоқ истиқболимиз ва эзгу ниятларимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументи пойига гуллар қўйдилар.

Учрашувда Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, шаҳар хотин-қизлар қўмитаси раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Фарида Абдураҳимова, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ўқитувчиси, ҳуқуқшунос Омина Каримова ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий рағбатлантириш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, мустақил ҳаёт остонасига илк қадам қўйган йигит-қизларга ижтимоий-иқтисодий кўмак кўрсатиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидладилар.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳаётга изчил татбиқ этилаётган «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури доирасида мамлакатимизда оилада тиббий маданиятни янада юксалтириш, кам таъминланган, серфарзанд оилаларга аниқ ва самарали ижтимоий ёрдам кўрсатишни кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 18 майда қабул қилган «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Жойларда янги иш ўринларини очилиб, ёшлар кичик бизнес ва тадбиркорликка фаол жалб этилмоқда. Ёш оилаларга ўз бизнесини ташкил этиши учун микрокредитлар, уй-жой ва зарур рўзғор буюмлари сотиб олиши учун ипотека ва истеъмол кредитлари ажратилмоқда. Айни пайтда ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал этишда ёш оилаларга амалий ёрдам бериш, сифатли таълим, тиббий, ҳуқуқий, ахборот, маслаҳат бериш бўйича хизматлар кўрсатишнинг самарали механизмлари яратилмоқда.

— Уй-рўзғор ишларини йўлга қўйишда, мустақил меҳнат фаолиятимизни бошлашда давлатимиз раҳбари томонидан биз, ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг аҳамияти катта бўлаётир, — дейди пойтахтимизнинг Собир Раҳимов туманида истиқомат қилувчи Мираваз Абдуллаев. — Бундай меҳр-эътибор учун Президентимиз Ислом Каримовдан жуда миннатдормиз.

Анжуман Бўстонлиқ туманидаги «Чорвоқ» оромгоҳида ўтди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳамда хотин-қизлар қўмитаси томонидан ёш оилалар учун турли саёҳатлар, қадимий шаҳарларимиз, муқаддас қадамжолар зиёратини ташкил этиш хайрли анъанага айланган. Бу йилги байрам ҳам хушманзара табиат қўйнида ана шундай кўтаринкилик билан нишонланди.

Тадбир доирасида «Оила: ҳуқуқ, бурч ва масъулият» мавзуида семинар-машғулот, ҳуқуқшунос олимлар иштирокида давра суҳбатлари, интерфаол услубдаги мулоқотлар ўтказилди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова сўзга чиқди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.
Суратларда: *тадбирдан лавҳа.*
Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Қадрли дўстлар!

Бугун мамлакатимиз ҳаётида барчамизга мамнуният ва қувонч етказадиган ажойиб бир кун. Юртимиз пахтакорлари 3 миллион 600 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Том маънода улкан ва шарафли меҳнат натижаси бўлмиш мана шундай ютуқ билан сиз азизларни, бутун халқимизни бағримга босиб, чин қалбимдан самимий қутлайман ва муборакбод этаман.

Сизлар эришган бу муваффақият ўзбек деҳқони, ўзбек фермерининг бор куч-ғайрати, азму шижоати ва қатъиятини мўл ҳосил етиштиришдек эзгу мақсадга бағишлаб, йил ўн икки ой давомида ер билан тиллашиб, кунни тунга улаб, табиат қийинчиликларини мардона енгиб қилган фидокорона меҳнати, кўп йиллик тажриба, ота-боболаримиздан қолган пахтакорлик касбининг сиру синоатидан оқилона фойдаланиш маҳсули эканини ҳаммамиз яхши англаймиз.

Шу билан бирга, эришилган бу беқиёс ғалаба замирида авваламбор бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳасида узоқни кўзлаб амалга оширилаётган кенг кўламли туб ислоҳотларимизнинг ижобий самараси мужассам десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Нега деганда, бу йилги улкан ҳосил Ўзбекистон тарихида биринчи марта 100 фоиз қишлоқ хўжалигида мулкчиликнинг мутлақ янги шакли бўлмиш хусусий фермер хўжаликлари томонидан яратилди.

Бу йил пахтачиликда қўлга киритган натижа ва марраларимиз ўзининг юксак кўрсаткичлари, биринчи ғалда, меҳнат унумдорлиги ва ҳосилдорлик даражасининг ўтган йилларга қараганда юқорилиги билан ажралиб туради.

Мамлакатимиз бўйича ҳосилдорлик гектарига ўртача қарийб 26 центнерни ташкил этиб, етиштирилган ҳосилнинг ўтган йилги 74 фоиз ўрнига 86 фоизи биринчи навларга топширилгани мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин.

Пахтачиликда сўнгги йилларда эришаётган бундай ютуқларимиз ҳақида гапирганда, аввало, халқимизга азалдан мансуб бўлган омилкорлик, ишнинг кўзини билиб меҳнат қилиш, ўз ери, ўз юртига меҳр қўйиб, эртанги кунга ишонч билан яшаш туйғуси, ҳаётга фаол муносабатнинг кучайиб бораётганини, мухтасар айтганда, одамларимиз онгу тафаккурида юз бераётган муҳим ўзгаришларни алоҳида таъкидлаш жоиз.

Табиийки, мамлакатимизда аграр соҳани ривожлантириш, деҳқонларимизнинг машаққатли ва олижаноб меҳнатини муносиб қадрлаш ва ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг ерга, мулкка, ўзи етиштирган маҳсулотга эгалик қилиш, моддий манфаатдорлик ва масъулият ҳиссини мустаҳкамлаш йўлида амалга ошираётган катта ишларимиз ҳам бу борада ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, пахтачилик соҳасида истиқболли, серҳосил ва эртапишар навлар яратиш, уларни ҳар қайси ҳудуднинг иқлим аа тупроқ шароитини ҳисобга олган ҳолда жойлаштириш, замонавий илғор технологияларни жорий қилиш, қишлоқ хўжалигининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, хусусан, фермер хўжаликларини молиявий ресурслар, янги техникалар, минерал ўғит ва зарур воситалар билан таъминлаш, ҳосилни турли зараркунандалардан ҳимоя қилиш, теримни уюшқоқлик билан ташкил этиш каби ўта муҳим чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали бажарилгани ҳам бу ғалабага эришишда асосий омил бўлганини қайд этиш лозим.

Мамлакатимизнинг юксак пахта хирмонига ўзининг салмоқли улушини қўшган, шартнома режасини биринчилар қаторида адо этиб, барчага ўрнак бўлган Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Қашқадарё ва Бухоро, Андижон ва Сурхондарё, Жиззах вилоятлари пахтакорларининг меҳнат жасорати айниқса таҳсинга сазовордир. Қолган вилоятлар ҳам ўз мажбуриятларини бажариш арафасида турганини мамнуният билан айтиш зарур.

Ҳар гектар ердан ўртача 30-35 центнердан ошириб ҳосил олган Амударё ва Нарпай, Денов ва Сариосиё, Шўрчи ва Пахтаобод, Вобкент ва Пахтакор, Косон ва Қарши ҳамда бошқа қатор туманлардаги кўплаб фермер хўжаликлари бу кўрсаткични 50-55 центнерга етказгани ҳам мард ва фидойи деҳқонларимизнинг қандай буюк марраларни эгаллашга қодир эканининг яна бир амалий тасдиғидир.

Ана шундай интилиш ва саъй-ҳаракатларимиз туфайли бугунги кунда ўзбек пахтаси ўзининг юқори сифати ва рақобатбардошлиги билан жаҳон бозорида мустаҳкам ва муносиб жой эгалламоқда. Пахта толаси савдоси билан шуғулланадиган йирик хорижий компанияларнинг уч йилдан буён Тошкент шаҳрида ўтказилаётган халқаро пахта ярмаркасида фаол қатнашиб келаётгани ва бу борада эришилаётган амалий натижалар шундан далолат беради.

Бугунги хурсандчилик дамларида барчамизни мана шундай ёруғ кунларга етказиб, эл-юртимизни ўз паноҳида асраб, марҳаматини аямасдан, ҳамиша йўлимизни очиб бераётган Оллоҳ таолога шукроналар айтишимиз ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Сиз, азизларни мана шундай меҳнат зафарларингиз билан табриклаш асносида мен ерга кўз тикиб яшайдиган минг-минглаб, балки миллионлаб инсонларни, уларнинг ўз пешона тери, ҳалол меҳнатидан даромад топиб, шунинг ҳисобидан оила тебратиш, фарзандларини уй-жойли қилиш ҳақидаги орзу-ниятларини ўзимга доимо яққол тасаввур қиламан. Ҳеч муболағасиз, бугун омборларимиз мўл ҳосилга, кўнгилларимиз шодликка тўлган мана шу қутлуғ кунни барча деҳқонларимиз ўз муродига етган кун, деб аташ мумкин.

Айни пайтда, бу муҳим ғалаба саноатимизнинг қайта ишлаш соҳаларини қимматбаҳо хомашё билан таъминлаш, мамлакатимизнинг бойлигига бойлик қўшиш, шу тариқа Ватанимизнинг иқтисодий қудратини юксалтиришга хизмат қилиши муқаррар.

Шу фурсатдан фойдаланиб, мўл ҳосил етиштириш билан бирга, аҳоли турмуш даражасини ошириш, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ижтимоий масалаларни ечиш, жамиятимизда меҳр-оқибат ва саховат туйғуларини кучайтиришдек олижаноб ишларда фаол иштирок этиб келаётган фермерларимизга ўз номимдан, халқимиз номидан чуқур миннатдорчилик билдираман ва уларнинг меҳнатини юксак қадрлайман.

Иқтисодиётимизда ҳал қилувчи ўрин тутадиган қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлиги ва унинг самарадорлигини ошириш негизида ушбу соҳани замонавий босқичга кўтариш биз учун устувор вазифа бўлиб келган ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади.

Айниқса, кўп йиллардан буён деҳқонларимизни қийнаб келаётган энг мураккаб ва долзарб муаммо бўлмиш ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, жуда катта маблағ ва моддий ресурсларни талаб қиладиган бу масалани тубдан ҳал этиш янги йилда давлатимиз ва ҳукуматимизнинг асосий эътибор марказида бўлишини таъкидлаб айтмоқчиман.

Бизнинг аграр соҳадаги дастур ва режаларимиздан алоҳида ўрин олган бундай амалий мақсадлар яқин келгусида ўзининг ҳосили ва мевасини беради, иншоолло. Шахсан мен қишлоқ хўжалигини юксалтириш, шу заминда яшаётган одамларнинг ҳаётини фаровон, оғирини енгил қилишни ўз фаолиятимнинг асосий мазмуни, деб биламан ва бу масалани Ватанимизнинг нафақат бугунги, балки эртанги тақдири билан чамбарчас боғлиқ ҳолда кўраман.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Сизларни, бутун Ўзбекистон аҳлини бугунги катта ғалаба билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга тинчлик-осойишталик ва файзу барака тилайман.

Ҳорманг, ҳеч қачон кам бўлманг, қадрдонларим!

Ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, доимо омон бўлинг!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

15 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулуғбек Абдусаломов бошқарди.

Марказий сайлов комиссияси томонидан «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Қонуннинг 14, 24[1]-моддаларига мувофиқ «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида»ги қарор қабул қилинди.

Мажлисда, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ваколатларига кирувчи бошқа айрим масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Шу куни Марказий сайлов комиссиясининг матбуот марказида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди. Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов журналистларга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳи, улар кўрсатган номзодларни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчиларнинг имзоларини тўплашни ташкил этиш тартиби, шунингдек, бўлажак сайловга тайёргарлик кўриш билан боғлиқ бошқа масалалар тўғрисида маълумот берди.

Округ сайлов комиссиялари тузилганлиги, уларнинг жамоатчилик обрўли вакиллари орасидан шакллантирилган шахсий таркиби, шунингдек, ушбу комиссияларнинг фаолиятини ташкил этиш тартиби ҳақида ахборот берилди.

(ЎзА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 14, 24[1]-моддаларига мувофиқ Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхати марказий матбуотда эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси раиси
М.АБДУСАЛОМОВ

Тошкент шаҳри,
2007 йил 15 октябрь

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг қарорига илова

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этишга ижозат берилган сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси.
2. Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси.
3. Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси.
4. Ўзбекистон Халқ демократик партияси.
5. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Акмал Холматович Саидовни номзод этиб кўрсатиш бўйича 2007 йил 5 октябрда Тошкент шаҳрида тузилган сайловчилар ташаббускор гуруҳи.

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ФРАКЦИЯСИНИНГ ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Фракция аъзолари дастлаб «2008 йилги Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети лойиҳаси тўғрисида»ги масалага доир материалларни муҳокама қилдилар. Бу ҳақда молия вазири ўринбосари Суннатулла Бекенов маъруза қилди.

2008 йил учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози Президентимизнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиқиб ишлаб чиқилган. Жумладан, 2008 йилда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва модернизациялаш, энг муҳим тармоқларни техник ва технологик янгилаш, солиқ сиёсатини янада эркинлаштириш, хусусий бизнес учун қулай шароитлар яратиш, давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини изчил камайтириб бориш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ишларини кучайтиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шу асосда аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал этиш, банк-молия тизимида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари 2008 йилги солиқ сиёсати, бюджетнинг харажатлар қисми асосий йўналишлари, лойиҳанинг асосий кўрсаткичлари ҳақидаги масалалар депутатлар эътиборидан четда қолмади. Шунингдек, уларни кўплаб саволлар қизиқтирди.

(Давоми 2-бетда)

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Савол: *— Давлат бюджетида илк бор ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва паст рентабелли фермер хўжаликлари учун ҳам маблағ ажратиш назарда тутилаяпти. Бу қандай асосда тақсимланади, механизмлари қай тартибда бўлади?*

Жавоб (С.Бекенов): — 2008 йилги Давлат бюджети лойиҳасида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларига 75 миллиард, паст рентабелли фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш масалаларига 60 миллиард сўм ажратиш назарда тутилаяпти. Ҳозир бунинг механизмлари ишлаб чиқилаяпти. Вазирлигимиз қошида ушбу масалалар билан шуғулланадиган махсус жамғарма ҳам тузилади.

Савол: *— Маълумки, юртимизда солиқ юки йилдан-йилга камайиб бориши тенденцияси кузатилаяпти. Аммо лойиҳада фойда солиғи кейинги йилда ҳам 18 фоизлигича сақланиб қолинаяпти...*

Жавоб: — Бунинг 10 фоизи даромад солиғи, 8 фоизи маҳаллий бюджетларга тушадиган ҳудудларни ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғидир. Уларнинг мазкур миқдорда сақланиб қолиши маъқул, деб топилди. Агар камайтириладиган бўлса, маҳаллий бюджетларга тушумлар пасайиши мумкин.

Савол: *— Янги ташкил этиладиган фермер хўжаликлари ягона ер солиғи тўлашдан икки йил муддатга озод этилган эди. Лойиҳада бу имтиёз нега акс этмаган?*

Жавоб: — Агар ширкат хўжалиги тарқалиб, ўрнига фермер хўжалиги биринчи марта тузилган бўлса, ҳеч монеликсиз бу имтиёздан фойдаланади. Агар бир фермер хўжалиги ўрнида янгидан иккинчи фермер хўжалиги тузиладиган бўлса, уларга бу имтиёз берилмайди.

Йиғилишда, шунингдек, Қонунчилик палатаси муҳокамасига биринчи ўқишда киритилаётган яна бир муҳим ҳужжат — «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси ҳам кўриб чиқилди.

Тақдим этилаётган лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пенсионерларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган. Мазкур Фармонда назарда тутилган пенсия тайинлашдаги янги нормалар қонунга киритилмоқда.

Биринчи ўқишда киритилаётган «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 238² моддасига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди.

Мазкур ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан фуқаролик процессуал қонунчилигини янада такомиллаштириш ва суд буйруғи тартибида иш юритиш доирасини кенгайтириш фуқаролик судларида ишларни кўриб чиқишни соддалаштириш мақсадида ишлаб чиқилган.

«Жарима тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш тартибини такомиллаштириш масалалари бўйича Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида», «Инвестициялаш шароитларини яхшилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунлар лойиҳалари ҳам кўриб чиқилди.

Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан фракция нуқтаи назари ишлаб чиқилди.

(Ўз мухбиримиз)

САЙЛОВ ҲАҚИДА САВОЛИНГИЗ БОРМИ?

«Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган сиёсий партиялар ва битта фуқаролар ташаббускор гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига ўз номзодларини кўрсатди. Энди ўша номзодлар тўғридан-тўғри умумхалқ овозига қўйиладими?

Шоҳруҳ АБДУРАҲМОНОВ, Андижон шаҳри».

Ушбу саволга Тошкент давлат юридик институти ўқитувчиси Зиёдулло ХИДИРОВ жавоб беради.

— Жуда ўринли савол қўйилибди. Ҳозир кўпчиликни ушбу масала қизиқтираяпти. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга 65 кун қолганида бошланади ва 45 кун қолганида тугайди.

Ҳозирча сиёсий партиялар ўз марказий кенгашларининг пленумларида ўз партиялари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиши тўғрисида қарор қилишди. Сиёсий партиядан номзод кўрсатиш уларнинг энг юқори органи — қурултой, съезднинг ваколатига киради. Шунинг учун пленумларда сиз назарда тутаётган кишиларни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатиш масаласини партия қурултойи, съезди кун тартибига киритиш тўғрисида қарорлар қабул қилинди.

Номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олингандан сўнг сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларини бошлайди ва 23 декабрь куни умумхалқ овозига қўйилади. Унга қадар қонунчиликда белгиланган ва босиб ўтилиши керак бўлган жараёнлар бор.

Сиёсий партиянинг раҳбари, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

Сиёсий партия олий раҳбар органи ва сайловчилар ташаббускор гуруҳининг номзод кўрсатиш бўйича ўтказган йиғилиши қарори; сиёсий партия юқори органи мажлисининг, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади; иккита партиядан бир шахснинг номзоди кўрсатилиши мумкин эмас.

Сиёсий партия ва фуқароларнинг ташаббускор гуруҳи ўзлари кўрсатган номзодни қўллаб-қувватловчи имзоларни йиғиши керак. Тақдим этилган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчилари умумий сонининг камида беш фоизини ташкил қилиб, камида саккизта маъмурий-ҳудудий тузилма вакили бўлган сайловчиларнинг имзосидан ташкил топмоғи лозим. Маъмурий-ҳудудий тузилмалардан бири (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри)да имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизи тўпланиши мумкин. Сиёсий партия, сайловчилар ташаббускор гуруҳи уларнинг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳақли. Бу санага қадар тўпланган имзолар ҳисобга олинмайди.

Сайловчилар фақат битта номзодни қўллаб-қувватлаб, имзо қўйишга ҳақли. Бунда сайловчи ўз фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, (ёши ўн саккизда бўлса, туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзили, паспортининг серияси ва тартиб рақами, шунингдек, имзо қўйган санасини кўрсатади.

Барча демократик давлатларда бўлгани каби мамлакатимизда ҳам сиёсий партияларнинг ўз тарафдорлари ва аъзолари бор. Шунинг учун ҳар бир сайловчи фақатгина ўз манфаатини ҳимоя қилувчи сиёсий партиянинг дастурини маъқуллаши табиий. Сиёсий партия фақатгина ўз тарафдорларига эга бўлган тақдирдагина сиёсий майдонда ўзини кўрсата олади.

Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойи, сайловолди тадбирларида, шунингдек, ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбурлаш ва уларни пора эвазига ўзига оғдириб олиш қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

Имзо тўплаш якунлангач, сиёсий партиянинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақаларини Марказий сайлов комиссиясига сайловга ўттиз беш кун қолгунга қадар топшириши лозим. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кун ичида текшириб чиқади ва уларнинг қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради. Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган ҳолда Марказий сайлов комиссияси кўрсатилган номзодни рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларни қабул қилишни рад этади.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сиёсий партия ва ташаббускор гуруҳларга мансублиги бўйича рўйхатга олинганлигини матбуотда эълон қилади ва шундан сўнг сайловолди ташвиқоти бошланади.

Ҳурматли газетхон! Сизда ҳам сайлов кампанияси, сайлов жараёнларига оид саволлар туғилса, таҳририятимизга мурожаат этишингиз мумкин.

Тел.: 133-10-13, 136-55-05.
Факс: 133-65-45, 133-44-55
Электрон почта: info@uzbekistonovozi.uz

«Мен нега ЎзХДПни танладим?»

СИЁСИЙ ФАОЛИЯТНИНГ БОШЛАНИШИ

СИЁСИЙ ПАРТИЯГА АЪЗО БЎЛИШДИР, ДЕЙИШМОҚДА ЎЗБЕКИСТОН ХДП САФИГА ЯНГИ ҚЎШИЛГАН ЁШЛАР

Тараққиёт жараёнида барча соҳаларда талаб ва таклифнинг кўпайиши табиий. Демократик ривожланиш йўлидаги мамлакатларда сиёсий соҳада ҳам таклифлар ортади. Бу бевосита кўппартиявийликнинг қарор топиши ва мустаҳкамланиши билан боғлиқ. Яъни сиёсий партиялар ўз дастурларини жамиятга тақдим этади. Одамлар эса олға сураётган ғоялари, кўтараётган масалаларига қараб сиёсий партияни ўзлари танлайди, унга овоз беради, фаолиятида иштирок этади.

Ўзбекистон ХДП Мирзо Улуғбек, Ҳамза, Сергели, Юнусобод туман кенгашлари фаоллари ёшлар билан ишлашга алоҳида эътибор қаратаяпти. Уларни партия фаолиятига боғлиқ кўплаб масалалар билан таништириб бормоқда. Ўртада савол-жавоб, фикр алмашувлар тез-тез бўлиб турибди. Олиб борилаётган ушбу ишларнинг натижаси ўлароқ, яқинда кўпгина ёшлар ЎзХДП аъзоси бўлиш истагини билдириб, ушбу сиёсий куч сафига қабул қилиндилар.

— Ҳар бир инсоннинг ўзига яраша қизиқиши бўлади, — дейди Тошкент давлат шарқшунослик институти магистранти Шарифжон Исломов. — Мен сиёсат, сиёсий жараёнлар, партиялар фаолиятига қизиқаман. Келгусида сиёсатчи, депутат бўлиш ниятим бор. Тушуниб етдимки, сиёсий фаолият партияга аъзо бўлишдан бошланади. Шунинг учун мен анчадан буён мушоҳада қилиб ЎзХДП сафига киришни маъқул топдим.

— Мамлакатимизда мавжуд бешта сиёсий партиянинг ўзига хос ғояси, фаолият дастурлари мавжуд, — дейди Сергели туманидаги «LERMUX» МЧЖ ишчиси Саъдулла Жўраев. — Улар орасида Ўзбекистон ХДПнинг Дастури, унда кўтарилган масалалар менга жуда маъқул бўлди. Чунки, партия биринчи навбатда ёрдамга муҳтож, ўз ҳаётини изга солиб олишга қийналиб турган, ён-атрофдагиларнинг кўмаги жуда зарур бўлган кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қилади. Бу жуда долзарб масала деб ўйлайман. Ана шу сабабдан мен ХДП аъзоси бўлишга қарор қилдим.

— Ўзбекистон ХДПнинг фаолиятини анчадан буён кузатаман, — дейди Мирзо Улуғбек технология касб-ҳунар коллежи талабаси Санжар Қосимов. — Партия кенгашларига ўзини қийнаётган масала билан мурожаат этаётганларга амалий ёрдам берилаётгани, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси аъзолари оддий одамларга кўпроқ фойдаси тегадиган қонунларнинг қабул қилинишига муносиб ҳисса қўшаётганини кўриб, албатта шу партияга аъзо бўламан, деб юрардим. Мана мақсадимга етдим.

— Одам нимагадир ишониб, эътиқод қилиб яшайди. — дейди «Ўзмиллийбанк» мутахассиси Жавлон Раҳмон-зода. — Сиёсий масалада ҳам инсоннинг сиёсий эътиқоди бўлиши керак. Ўзбекистон ХДП фаолларининг фикрлари, партия олға сураётган ғоялар менга кўпроқ маъқул. Қолаверса, фаоллар мени ўйлантираётган барча саволларга аниқ, жўяли жавоб қайтардилар. Сиёсий куч сафида бўлиш келажакда менга қандай фойда келтириши мумкину, партия аъзоси сифатида ўзимнинг масъулиятим қандай бўлиши керак, деган масалага ойдинлик киритиб олганимдан сўнг ХДП аъзоси бўлиш учун ариза ёздим.

Кўриниб турибдики, мустақил фикри, дунёқараши, сиёсий онги тобора шаклланиб бораётган ёшлар онгли равишда Ўзбекистон ХДПни танлашмоқда. Бу эса ЎзХДПнинг ёшлар орасида ҳам мавқеи тобора ошиб бораётганини тасдиқлайди.

Беҳзод ШУКУРОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

ИШОНЧЛИ, МУСТАҲКАМ ВА ИСТИҚБОЛЛИ

МАГИСТРАЛЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

«Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК 2002 йилдаёқ Ўзбекистонда эластик рельс мустаҳкамлагичли янги русумдаги темир-бетон шпаллари ишлаб чиқаришни хоҳловчи маҳаллий ва хорижий инвесторларни ҳамкорликка чақирди. «Fleks internatinal Manutacturing and Trading LTD» компаниялари гуруҳи бутун лойиҳани молиялаштириш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида BF70 русумидаги шпаллар ишлаб чиқарадиган замонавий завод қурилишини зиммасига олди. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, шпал тайёрлаш технологияси, конструкцияси ва унинг чизмалари темир-бетон шпалларини ишлаб чиқариш бўйича жаҳонга машҳур «Pfleiderer infrastrukturtehnik Gmbh &, Co.KG» немис компаниясига топширилди.Мюнхен техника университетида (Германия) BF70 шпаллари статик ва динамик оғирлик шароитида комплекс синовдан ўтказилганда улар ҳар томонлама ишончли эканлиги маълум бўлди.

2003 йилнинг охирида эса ушбу компания «Темир йўлларни модернизация қилиш» бўйича Осиё Тараққиёт банки томонидан молиялаштирилаётган халқаро тендерда ғолиб, деб топилди. Шундан сўнг, «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКга «Pandrol Fastclip» эластик рельс мустаҳкамлагичли BF70 русумидаги темир-бетон шпаллардан 612 минг дона етказиб бериш юзасидан шартнома имзоланди.

Бу пайтгача эса Тошкентдаги «MARMAKS» қўшма корхонаси базасида янги завод қурилиши ниҳоясига етиб, бу ерда 2004 йилнинг охирларидан бошлаб «Long Line» технологияси бўйича «Pandrol Fastclip» мустаҳкамлагичли BF70 шпаллари тайёрлашга ёппасига киришилган эди. Маҳсулот сифати халқаро стандартларга мос келишини таъминлаш мақсадида корхона мутахассисларидан бир гуруҳи компаниянинг Испаниядаги заводларидан бирида малакасини ошириб қайтди.

2006 йилнинг ноябрь ойида «FLEKS» компанияси шартноманинг барча шартларини бажариб бўлди. Ҳозиргача Тошкент — Самарқанд — Бухоро йўналишидаги 345 километрлик темир йўлларга BF70 темир-бетон шпаллари ётқизиб бўлинди. Сифат назорати бўйича қилинган ишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, ушбу шпаллар ишончлилиги, иқтисодий жиҳатдан тежамкорлиги ва магистрал йўлларда истиқболлиги билан кўзга ташланди.

2006 йилнинг ноябрида эса кўп тармоқли «MARMAKS» қўшма корхонаси (таркибида бир-бири билан боғлиқ бўлмаган бир қанча ишлаб чиқариш бўлимлари бор)дан «RWS Optimum» шўъба корхонаси ажралиб чиқди. Унинг асосий фаолияти эластик рельс мустаҳкамлагичли BF70 шпаллари тайёрлашдир.

Дастлаб бу ерда 150 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилган бўлса, эндиликда 250 нафар малакали кадрлар сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришаётир. Корхона ойига 30 минг дона темир-бетон шпаллари тайёрлаб, мамлакатимиздаги темир йўл қурилишларига жўнатмоқда.

— Айни кунларда «Аср қурилиши» деб ном олган «Тошгузар — Бойсун — Қумқўрғон» темир йўли қурилишига биз ҳам ўз маҳсулотларимизни жўнатдик, — дейди завод директори Михаил Дорогинин. — Темир йўллар наинки текисликдан, балки тоғу қирлардан, чўлу биёбонлардан ҳам ўтади. Турли табиат ҳодисалари, офатлар юз бериши мумкин. Сел ва тоғ кўчкиларига бардошли шпаллар тайёрлашимиз лозим. Буни ишчи-хизматчиларимиз яхши билишади. Мамлакатимизнинг ягона темир йўл тизими бунёд этилишига ҳисса қўшаётганимиздан беҳад хурсандмиз.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
«Ўзбекистон овози»
мухбири.

Суратларда: *тайёр маҳсулотлар; тажрибали ишчилар Комил Шамшиев, Нуржон Нуримбетов, Улуғбек Шодиев.*

Козим ЎЛМАСОВ олган суратлар.





Бугуннинг мавзуси

ҚИШ МАВСУМИГА ТАЙЁРГАРЛИК

БЎЙИЧА ПОЙТАХТИМИЗДА ҚАНДАЙ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА?

Кузнинг қировли кунлари, қиш мавсуми яқинлашиб қолди. Бундай пайтда шаҳарликларнинг, айниқса, кўпқаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳоли безовта бўлиб қолади. Чунки, сир эмас, қишнинг айни чилласида, ёғингарчилик кўпайганда айрим кўпқаватли уйларда муаммолар чиқади: қаердадир иссиқ сув келадиган қувур ёрилса, қайсидир уй ёки бино томидан чакка ўтади... югур-югур, ташвиш бошланади.

Хўш, бу йил қишки мавсумга тайёргарлик қандай кетаяпти?

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 9 июлдаги «Тошкент шаҳри аҳолисининг уй-жой коммунал шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 140-сонли қарорига асосан Тошкент шаҳар ҳокимининг 2007 йил 18 июлдаги 637-сонли қарори қабул қилинган бўлиб ҳамда унинг ижро дастури тасдиқланган эди.

Тошкент шаҳар ҳокимлигидан олинган маълумотга кўра, пойтахтимиздаги мавжуд 9006 та кўпқаватли уйлар ва улардаги 423 минг 784 та хонадонга 2181 хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари хизмат кўрсатади. Шунингдек, 717 та кўпқаватли уй эса битта ширкат бўлиб фаолият юритмоқда.

Халқда «Қиш ғамини ёзда кўр», деган ҳикмат бор. Тошкент шаҳрида эса қишга ҳар қачонгидан кўра пухта тайёргарлик кўриш мақсадида кўпқаватли уйларда таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди. Ширкатларга уй-жойлардан фойдаланиш ва пудрат ишларига кўмаклашиш мақсадида 140 та махсус бошқарув компаниялари тузилди. Улар 961 та ширкатга шартнома асосида хизмат қилаяпти.

2

2007-2008 йил қиш мавсумига тайёргарлик ишларини бажариш учун шаҳардаги кўпқаватли уйларнинг томини таъмирлаш мақсадида 1777 тонна битум келтирилди, 70 минг рулон рубероид режалаштирилган бўлса, эҳтиёжлар қайта ҳисоблаб кўрилиб, 80,4 минг рулон ҳозирланди.

Истиқлол йилларида пойтахтимиз йил сайин чирой очиб, замонавий бинолар қад ростлаяпти, янгича усулдаги уй-жойлар қуриляпти, шаҳар қиёфаси тобора ўзгариб, кўркамлашиб боряпти. Мавжуд кўпқаватли уйларнинг ташқи ва ички кўринишига алоҳида аҳамият қаратиляпти. Жумладан, 1991 йилгача қурилган 424 та кўпқаватли уйларнинг муҳандислик тармоқлари капитал таъмирланди. Муҳандислик хизматлари томонидан умумий йиллик режага нисбатан 40 километрлик (100 фоиз) марказий иссиқлик тармоқлари, 7.31 (102 фоиз) километрлик совуқ сув тармоқлари ва 49.2 (93 фоиз) километрлик газ тармоқлари капитал таъмирланди, 434.9 (100 фоиз) километр иссиқлик тармоқлари, 637 (100 фоиз) километрлик совуқ сув тармоқлари ва 134.9 километр (147 фоиз) газ тармоқлари жорий таъмирдан чиқарилди.

Шунингдек, хонадонларга иссиқлик энергияси етказиб берувчи 24 та (100 фоиз) иссиқлик қозони капитал ва 434 таси (100 фоиз) жорий таъмирланди, 7669 та (92 фоиз) иссиқлик қувурлари босим остида ювилиб, 8835 та (96 фоиз) иссиқлик бўғинлари профилактика қилинди.

Атрофга, одамларнинг ҳаётига разм солсангиз, турмуш тарзимизга янги анъаналар кириб келаётганини кузатамиз. Яқин ўтмишда вилоятларни кўя турайлик, ҳатто пойтахтда ҳам кўпгина кўпқаватли уйлар, ижтимоий соҳа объектларини қишки мавсумга ҳозирлаш ишлари ўлда-жўлда қолиб кетарди, юз метр қувур топиш ёки кўмир масаласи катта муаммо эди. Оқибатда касалхона, мактаб, болалар боғчаларида ачинарли аҳвол юзага келарди.

Бугун эса, ижтимоий соҳа объектларини кузги-қишки мавсумга шайлашга ҳам алоҳида аҳамият бериляпти, катта маблағ ажратилмоқда. Масалан, ҳозиргача шаҳардаги 21 та мактаб, 74 та болалар боғчаси, 11 та касалхона капитал, шунингдек, 149 та мактаб, 223 та болалар боғчаси, 24 та шифохоналар жорий таъмирланди.

3

4

Муносабат

СТРАТЕГИЯ ВА ҲАРАКАТ ДАСТУРИ

НАҚАДАР ҲАЁТИЙЛИГИНИ БИРГИНА ҚЎНҒИРОТ СОДА ЗАВОДИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ, АҲАМИЯТИ, МОҲИЯТИ ВА УНИНГ ИЛК ФАОЛИЯТИ МИСОЛИДА КЎРИШ МУМКИН

Истиқлол йиллари иқтисодиётимизда чуқур таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. **«Бунинг негизини,** — деди Президентимиз Ислом Каримов **«Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли»** номли маърузасида, — **маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ва жаҳон бозоридаги кескин рақобатга бардош бера оладиган маҳсулотлар тайёрлашга асосланган саноат тармоқларининг етакчи ўрнига чиқиши ва хизмат кўрсатиш соҳаларининг тез суръатлар билан ривожланиши ташкил қилади».**

— Давлатимиз раҳбарининг бу фикрини биргина бизнинг Қўнғирот сода заводи мисолида олиб кўрайлик, — дейди корхона қурилиши Бош дирекциясининг бош инженери, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими Абат Рамбергенов. — Мамлакатимиз иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётида катта ўрин тутган корхонамиз фаолиятида «Борсакелмас» туз кони маҳсулотлари ва «Жамансой» оҳак қатламлари сингари маҳаллий хомашёни қайта ишлаш қўл келди. Натижада қипқизил сахро ўрнида Марказий Осиёда ягона, собиқ иттифоқ ҳудудида Россия ва Украинадан кейин учинчи ўринда турувчи кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқарувчи улкан корхона вужудга келди.

— Кальцийлаштирилган сода, биласиз, — деб давом этди у, — бу — мамлакатимиз саноати ривожида ниҳоятда катта аҳамиятга эга. Корхона ишга тушган асосий давр — 2006 йилнинг сентябрига қадар бу қимматбаҳо маҳсулот республикамизга Россиядан қарийб 20 миллиард сўм миқдоридаги (конвертация қилинган) маблағ эвазига олиб келинарди. Чунки у мамлакатимизнинг шиша ва шиша буюмлари ишлаб чиқариш корхоналари ҳамда саноатнинг бошқа тармоқлари учун сув ва ҳаводек зарур эди. Қолаверса, маҳаллий хомашёни қайта ишлаш ҳисобига ишлайдиган завод Қорақалпоғистон шароитида аҳоли бандлигини таъминлашда ҳам бениҳоя катта аҳамият касб этди. Неча юзлаб кишилар, айниқса, ёш йигит-қизлар бугунги кунда бу ерда муқим иш ўринларига эга бўлдилар...

●●●

Дарвоқе, корхонанинг тамал тоши 1992 йилнинг 6 мартида қўйилган. Ўша куни Республика Вазирлар Маҳкамасининг **«Қўнғирот сода заводини қуриш учун Қорақалпоғистон Республикаси Устюрт кенгликларидан жой ўрни ажратиш тўғрисида»** қарори қабул қилинди. Шундан сўнг кўп ўтмай корхона қурилишига зарур молиявий, моддий ва инсоний ресурслар жалб этилди.

1995 йилнинг 2 март куни Вазирлар Маҳкамасининг **«Қўнғирот сода заводи қурилиши тўғрисида»**ги қарори чиқди ва уни қуриш учун сахро қўйнидан ажратилган майдонларга биринчи қозиқ қоқилди...

Ўтган йиллар ичида, маърузада айтилганидек, ҳукуматимиз **«рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган янги ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш»**га тинимсиз эътибор бериб, жумладан, Қўнғирот сода заводи қурилишини доимий назоратга олди.

Ўша кезларда корхона олдида хорижий шериги — Хитойнинг «SITIK» компанияси билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш вазифаси турарди. Айни шундай алоқа ўрнатилишида Юртбошимизнинг жуда катта ҳиссалари борки, икки томонлама бордикелдига, янги технологияларни биргаликда ўзлаштирилишига, модернизация жараёнларини ўтказилишига, дастлабки линияларни ишга туширилишига кенг йўл очиб берувчи имкониятларни ўз назоратига олди...

Ниҳоят, мана, бир йилдан ошиқроқ вақт ўтаяптики, завод барқарор ишлаб турибди ва ойма-ой, босқичма-босқич ўз қувватини ошириб бормоқда. Насиб этса, октябрь ойида корхона қуввати (бир йил ичида) 80 фоизлик даражага чиқиши кутилмоқда. Бу — бир кеча-кундузда 240 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилади, деганидир. Шу кунларда ушбу кўрсаткич 210-220 тонна бўлиб турибди. Демоқчимизки, бу ютуқларга, маърузада уқтириб ўтилганидек, **«аниқ мақсадга қаратилган бозор ислоҳотларини, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, тармоқ ва корхоналарни янгилаш, техник қайта жиҳозлаш...»** каби жараёнлар ижроси изчил таъминланганлиги туфайли эришилди.

Яна бир жиҳатни алоҳида таъкидламоқ керак: 1997-2009 йилларга мўлжалланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига кўра мамлакатимиз халқ хўжалиги соҳаларига малакали, мустақил ва янгича фикрлайдиган кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилди. Ана шу эътибор самараси ўлароқ, Президентимиз ташаббуси билан корхона қошида Тошкент Химия-технология институтининг 4 та йўналиш бўйича мутахассис тайёрловчи сиртқи бўлими очилди. Ҳозир унда 200 дан ортиқ бўлажак мутахассислар таҳсил олаяпти. Энг муҳими, сиртқи бўлимга фақат корхонада ишлаётган ёш йигит-қизлар қабул қилинаётир. Бундай имконият ҳеч бир жойда йўқ! Шу йил 17 май куни Юртбошимиз корхонага ташриф буюрганларида барча ишчи-хизматчилар қатори талабалар билан ҳам суҳбатлашиб, уларга чексиз ғамхўрлик кўрсатди...



Маърузада: **«мамлакатимизни модернизация қилиш ва замонавий демократик жамият қуриш йўлидаги мураккаб ва кенг кўламли вазифаларни ҳал этишга қодир бўлган янги авлод кадрларини тайёрлаш масаласи муҳим принципиал ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга»,** деб уқтирилган. Кадрлар тайёрлаш йўлида Нукусдаги коммунал-хўжалик ўқув комбинати, «Ўзтрансгаз»нинг Урганчдаги ва Қўнғиротдаги касб-ҳунар коллежлари ҳам корхонага яқиндан ёрдам беришаяпти.

— Қувонч билан айтиш жоиз, — деб таъкидлади суҳбатимиз охирида Абат Кенгесбаевич. — Ўтган бир йил ичида заводда республикамизнинг ички эҳтиёжини қондириш даражасида маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, яна бир неча кунлардан сўнг — аниқроғи, шу ойдан хорижга ҳам экспорт бошланади. Ҳозироқ қозоғистонлик ва қирғизистонлик истеъмолчилар 43,7 минг АҚШ доллари миқдорига тенг даражада маҳсулотга буюртма беришган. Бу — келгусида заводга тушадиган катта миқдордаги валютанинг бошланиши ҳали. Йилимизнинг ўтган саккиз ойида корхона 29,8 минг тонна сода ишлаб чиқарди. Сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигида эса бу рақам 1,61 минг тоннани ташкил этди. Уларни сўмга чақадиган бўлсак, саккиз ойда сотувга чиқарилган салкам 29,5 минг тонна маҳсулотдан корхона ғазнасига 9,5 миллиард сўмдан кўпроқ, сентябрнинг биринчи ўн кунлигида эса (1,82 минг тоннадан) 577 миллион сўм маблағ тушди.

Маъруза аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш, уни ижтимоий муҳофаза қилиш ва иш билан банд одамларга қулай меҳнат шароитлари яратиб бериш кўламлари ҳам ўз ифодасини топди. Заводда бу борада ҳам айтишга арзигулик ишлар бор. Корхона ҳомийлигидаги болалар боғчаси ва унинг ёнидаги мактабда завод ишчи-хизматчилари фарзандлари таълим-тарбия олишаяпти. Бозор, дўкон, ҳаммом, дорихона, новвойхона, тиббий муассаса, 250 ўринли маданият клуби — ҳаммаси асосан завод жамоаси истиқомат қилаётган Элобод посёлкаси аҳли хизматида. Посёлкадан Қўнғирот туман марказига автобус ва маршрут таксилар қатнаб турибди...

●●●

«Ўз-ўзидан аёнки, — деди Президентимиз маърузада, — **Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш, ўз халқининг тинчлиги ва фаровонлигини таъминлашга интилаётган бошқа давлатлар қатори ҳозирги шиддат билан ўзгариб бораётган мураккаб давр ўртага қўяётган талаб ва саволларга тўлиқ жавоб берадиган, аниқ ва равшан, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегия ва ҳаракат дастурига эга бўлиши зарурлигини бугун ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда».**

Шубҳа йўқки, давлатимиз раҳбарининг «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли» номли маърузасининг ўзиёқ айни шундай аниқ, равшан ва ҳар томонлама пухта ўйланган стратегиямиз — ҳаракат дастуримиз бўлиб қолади.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

> ...Бу ерда фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг ғайрат-шижоати барчамизни қувонтиради. Улар истиқлол неъматларига шукроналик туйғуси, бахт, орзу-ниятлар оғушида, келажакда — Ватанимизнинг ёруғ истиқболига қатъий ишонч билан меҳнат қилмоқдалар...»
>
> **Ислом КАРИМОВ**

УЧИНЧИ ТЕРГОВ

Исроил ҳукуматининг юридик маслаҳатчиси (бош прокурори) Менахем Мазуз бош вазир Эҳуд Ольмертга нисбатан учинчи жиноий терговни бошлашга фармойиш берди. «На`arets» газетасининг ёзишича, Ольмерт 2003-2005 йиллар мобайнида саноат ва савдо вазири лавозимини эгаллаган пайтида оғайниси, ишбилармон ҳамкори Ури Мессер бош бўлган корхонага субсидиялар ажратишга, шунингдек, партиядошларини вазирликлардаги турли лавозимларга тайинлашга эришган. Ольмерт девонхонаси бунга жавобан баёнот билан чиқиб, янги терговни «бирон-бир нарсага олиб келмайдиган бемаъни машғулот» деб айтган. Эслатиб ўтамиз: Исроил полицияси бош вазирга қарши иккита ишни олиб бормоқда. 2007 йил бошида бош вазир мамлакатда кўлами бўйича иккинчи ҳисобланган «Леуми» банкини хусусийлаштирилишида ўз дўстлари манфаатлари йўлида аралашганликда гумон этилганди. Яқинда у мазкур иш юзасидан сўроқ қилинди. Сентябрь ойи охирида Ольмерт Қуддус шаҳри ҳокими бўлган пайтида кўчмас мулкни бозор баҳосидан анча паст нархда сотиб олган, бундай чегирма эвазига эса пудратчи компания манфаатларига ён босганлиги юзасидан тергов бошлаган эди.

МУТЛАҚО АСОССИЗ ХАБАР

Россия президенти Владимир Путиннинг Теҳронга қиладиган сафари чоғида унга суиқасд қилишга тайёргарлик кўрилаётганлиги ҳақидаги оммавий ахборот воситалари томонидан тарқатилган хабар мутлақо асоссиздир. Эрон ташқи ишлар вазирлигининг расмий вакили Муҳаммад Али Ҳуссайни ана шундай баёнот билан чиқди. Баёнотда таъкидланишича, бундай хабарлар ҳеч қандай асосларга эга эмас ва душманлар томонидан Эрон ва Россия ўртасидаги муносабатларни бузиш йўлида олиб борилаётган психологик урушнинг бир кўринишидир. Эрон ташқи сиёсат маҳкамаси вакили бундай маълумотларнинг Путин сафари дастурига таъсир эта олмаслигига ишонч билдирди. Эсланган ҳолда, Россия президентига Теҳрондаги эҳтимолий суиқасд ҳақидаги хабар «Интерфакс» агентлиги томонидан якшанба куни кечқурун тарқатилганди. Бу маълумотга кўра, ана шу мақсад учун Эронда бир неча гуруҳлар тузилган. Кремль матбуот хизмати ушбу хабарни шарҳлашдан воз кечган, айни чоғда бу ҳақда президентга етказилганлигини тасдиқлаган. Владимир Путиннинг Эронга ташрифи чоғида унинг Каспийбўйи давлатлари раҳбарлари учрашувида қатнашиши кўзда тутилган.

ХИТОЙ КОМПАРТИЯСИНИНГ АНЖУМАНИ

Пекинда Хитой Компартиясининг 17-съезди ўз ишини бошлади. У Уставга қатъий риоя этилган ҳолда, аввалги съезддан орадан роппа-роса беш йил ўтганидан сўнг ўтказилмоқда. Партиянинг 73 миллиондан зиёд аъзоси номидан вакиллик қилаётган 2 минг 200 дан ортиқ делегат анжуман ишида қатнашаяпти. Улар ҳафта давомида Марказий Кенгашнинг ҳисоботини, Марказий Кенгаш Комиссиясининг партиявий интизом бўйича маърузасини тинглайдилар ва партия Уставига тузатишларни кўриб чиқиб, тасдиқлайдилар, партиянинг янги раҳбариятини сайлайдилар.

Съезд матбуот котиби Ли Дуншэннинг журналистларга маълум қилишича, анжуман мамлакат ва партия ҳаётидаги фавқулодда муҳим воқеа бўлиб, у Хитойнинг ислоҳотлар ва ошоралик йўлидан бундан буён қай йўсинда боришининг стратегик йўналишларини белгилаб беради. Шу боис ҳам матбуотнинг съездга бўлган қизиқиши катта. 1092 хорижий журналист бу тадбирни ёритиш учун рўйхатдан ўтган. Пекинда хавфсизлик чоралари кучайтирилган. Анжуман 21 октябрда ўз ишини якунлайди.



ЯНГИ ЛОЙИҲА

Дубайда 75 километр узунликдаги Араб канали қурилишига оид янги лойиҳа эълон қилинди. «Янги» Дубайнинг жанубий қисмида пайдо бўладиган ушбу канал Жебел Али йирик туманини ороли айлантиради. Дубай қурилишлари ҳар доимгидек жаҳон рекордларини ўрнатишга қаратилганлиги боис Араб канали наинки жаҳондаги энг мураккаб ва йирик муҳандислик иншооти, балки энг қиммат қурилиш ҳам бўлади. Шаҳар маъмурияти канал қурилишига 61 млрд. доллар сарфлашни кўзда тутмоқда. Дарвоқе, канал қурилишининг ўзи улкан лойиҳанинг кичик бир қисмидир. Зеро сунъий ороллар: Жебел Алидаги The Palm Jebel Ali ва Дубай Жумейрасидаги The Palm Jumeirahни бир-бирига боғловчи ушбу канал 11 млрд. долларга тушади. Бундан салкам беш баробар ошиқроқ маблағ — 50 млрд. доллар янги «шаҳар ичидаги шаҳар»нинг қурилишига сарфланади. У каналнинг жанубий соҳили бўйлаб 20 минг гектар майдонда жойлашади. Қурилиши 2010 йилда якунланиши режалаштирилаётган каналнинг кенглиги 150 метр, чуқурлиги 6 метрдан иборат бўлади.

РАССОМ КАШФИЁТИ

Австралиялик рассом Стэлиус Аркадиу чап қўлининг кафтига лаборатория шароитида ўстирилган қулоқ ўрнатди. 61 ёшли рассомнинг сўзларига кўра, бу ишга у санъатга кучли муҳаббати туфайли қўл урган. Рассом ғайриоддий жарроҳликни амалга оширадиган мутахассисни топиш учун ўн йил вақт сарфлаган.

Маълумотларга кўра, Стэлиус санъат соҳасида янгилик яратиш учун «учинчи қулоғи»га Bluetooth хизмати ёрдамида Интернетга уланадиган кичик микрофон ўрнатиш ниятида.

БЕПУЛ ЕТИБ БОРИШДИ

Токиодаги метро ва темир йўл станцияларидаги турникетлар ишдан чиққанлиги боис миллионлаб йўловчилар манзилга бепул етиб боришди. Темирйўлнинг 150 та ва Токио метросининг 48 та станциясида муаммолар вужудга келган. Маъмурият одамлар тўпланиб қолишининг олдини олиш мақсадида йўловчилар учун бепул ўтиш йўлакларини очиб қўйишга қарор қилган. Дастлабки маълумотларга қараганда, турникетлар шохобчасидаги бошқарувнинг электрон тизимида хатоликка йўл қўйилган.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида Шаҳноза РЎЗИЕВА тайёрлади.

Олти йил хизмат юзасидан хорижда яшаган бир танишим яқинда юртга қайтиб келди. Учрашганимизда қизиқ воқеани айтиб қолди. «Аэропортга тушиб, ўзгаришларни кўриб ҳайрон қолдим, айтсам ишонмайсиз, таксига ўтирдим, бироз юргач, бир жойга келиб ҳайдовчи йигит «Мана, айтган манзилингизга келдингиз, опа, уйингиз қайси?» дейди. Чор-атрофга қарасам, шунчалар ўзгариб кетганки... Очиғи, ўз маҳалламни таний олмадим... Кўзларимга ишонмайман, қаранг-а, олти йилда мавзеимиз, уйимиз шунча ўзгарибди, ёруғ йўлак, кодли темир эшик... Маҳалла тўйхонаси қурилибди. Кўп қаватли уйлар олдидаги йўлакларгача янгитдан асфальтланибди.

Зеро, жорий йилда пойтахтимиз туманларидаги 680 та уйнинг фасад қисмлари (87 фоиз) ва 1527 та (107 фоиз) кириш йўлаклари таъмирланди. Кириш йўлакларидаги ёғоч эшиклар ўрнига 3427 тасига (97 фоиз) темир эшиклар ўрнатилди, 544 та (91 фоиз) лифт кабиналари, 2170 та (90 фоиз) уйнинг электр шитлари таъмирланди.

Бир неча йилдан бери кўпқаватли уйлардаги лифтлар муаммоси бўйича шикоятлар давом этиб келарди. Айниқса, 9 қаватли уйларда яшовчилар яхши билишади, лифт бузилиб, ишламай қолган пайтларда қариялар, ногиронлар, ёш болали оилалар азият чекишарди. Бу йил ана шундай лифтларнинг 316 таси жорий ва капитал таъмирланди, 14 таси эса алмаштирилди.

Қишга тайёргарлик масаласини ўрганаётиб яқин ўтмишдаги бир ҳолат кўз ўнгимизга келди. Қишнинг

аёзли кунлари усти очиқ ёки номигагина қурилган кичкина соябонли бекатларда йўловчилар жунжикиб туришарди. Мустақиллик йилларида кўплаб соябонлар қурилди. Асосий ва шоҳ кўчаларда жойлашган 169 та транспорт бекат соябонлари бўялиб, 116 та ўриндиқ ўрнатилди, 38 та бекатнинг кутиш майдончасига асфальт ётқизилди. Режага кўра, шаҳар мавзелари ичида 6200 та ўриндиқ ўрнатиш кўзда тутилган бўлса, ҳозиргача амалда 8135 та (131 фоиз) ўрнатилди.

Мирзо Улуғбек туманидаги Феруза мавзесидамиз. Кўпқаватли уйлар таъмирдан чиққан, болаларнинг ўйин майдончалари ораста, йўлак, йўлкалар шинам, кўркам, баҳри дилингиз очилади.

— Уйимиз капитал таъмирланди, — дейди 134-уйнинг 54-хонадонида яшовчи Алишер Назаров. — Саккиз йилдан бери шу уйда яшаймиз, икки нафар фарзандим бор, рафиқам Раъногул ўқитувчи, ўзим пенсиядаман. Тўғриси, олдинлари куз, қиш мавсуми яқинлашса хавотирга тушардик. Сабаби қишда совуқ, ёзда ертўладаги сувдан, пашша, чивиндан безор эдик. Шу йил уйимиз таъмирланди, ертўламиз қуруқ, ёритгичлар бор, йўлакка темир эшик, ўрнатилди. Энди кўнглимиз тўқ. Уйимизга меҳмон келса, уялмаймиз.

— Мен 1-қаватда, 38-хонадонда яшайман, — дейди пенсионер Флора Захарова. — Илгарилари ертўла тўла сув, хоналаримиз зах, ёзда чивин кўп эди. Бу йил капитал таъмирлашди. Биз қариялар бундан хурсандмиз.

Одилхон МАВЛОНОВ, Мирзо Улуғбек тумани қурилиш коммунал таъмирлаш масъулияти чекланган жамияти директори:

— Туманимизда 1303 та кўпқаватли уй бор. Уларнинг иситгич қувурлари 100 фоиз босим остида ювилди, профилактика ишларини бажардик. Бу йил туманимизда 120.328 метр жорий таъмирлаш режалаштирилган эди, айни пайтда 122.727 (102 фоиз) метр жорий таъмирланди. Бу борада ишларимиз давом этаяпти.

Шунингдек, 12 минг 400 кв. метр мукаммал таъмирлаш режалаштирилган эди, амалда эса 30 минг 413 кв. метрлик ишлар амалга оширилди, қозонхоналар ҳам тайёр. Биринчи босқичда 80 та уй режалаштирилганди, 116 та уйда жорий таъмирлаш ишлари ниҳоясига етяпти.

Мирзо Улуғбек туман хусусий уй-жой мулкдорлар уюшмаси раиси Баҳодир Поёнов шундай деди:

— Туманимизда 1306 та кўпқаватли уйнинг 5502 та кириш йўлаклари тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Уюшмамиз томонидан 42.000 кв. метр том ёпдик, ўзимизни ўзимиз маблағ билан таъминлаймиз, ҳомийлар топамиз. Туманимизнинг автосаноат корхоналари, Кабель заводи, Тошкент трактор заводи моддий ёрдам кўрсатди.

Уюшмамизга 302 та ширкат аъзо бўлиб кирди, улар билан ҳамкорликда иш олиб борамиз. Халқимизда бирлашган ўзар, тарқалган тўзар, деган мақол бор. Аслида мавзе, маҳалла, уйларимизнинг ободлиги аҳолимизнинг юксак

маданий савияси белгисидир.

Бинобарин, кейинги йилларда пойтахт аҳолисига коммунал хизмат кўрсатиш турлари ва самарадорлиги ортиб боряпти. Қайси туманга борманг, хайрли ишларнинг гувоҳи бўласиз. Тўғри, муаммолар ечимини кутаётган жойлар ҳам бор. Аммо, энг муҳими, уларнинг барчаси эътиборда, белгиланган режа асосида босқичма-босқич амалга оширилаяпти.

Пойтахтимизда қишга тайёргарлик масаласини ўрганиш жараёнида бир ҳақиқатга иқрор бўлдик: коммунал хизматлар бўйича мутасадди ташкилотлар кеча-ю кундуз тиним билмаяпти. Мақсад битта — қишки мавсумда аҳолига қулай шароит яратиш, хонадонлар иссиқ, файзли ва ташвишсиз бўлишини таъминлаш.

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш керакки, янги таъмирланган, ораста, тоза, уйларимиз яна узоқ йиллар ана шундай кўркам туриши аҳолининг ўз қўлида. Шуни унутмаслигимиз керакки, уйимизнинг эгаси ўзимиз, уйдан фойдаланиш муддатини узайтириш, уйимизни ўзимиз асраб-авайлашга ўрганишимиз жуда муҳимдир.

Дарҳақиқат, бугунги кунда одамларимиз тафаккурида кўпқаватли хусусий уй-жойларга муносабатда янгича қарашлар шаклланяпти. Одатда, олдин аҳоли уйларининг ички кўринишига кўпроқ аҳамият қаратарди. Ҳозир эса замон ўзгарди. Ҳамма қулай, кўркам уйларда, обод маҳаллада яшашни истайди.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ҳаёт ва тарбия

СЕН КИМНИНГ ФАРЗАНДИСАН?..

— ДЕЯ СИЗ ҲАМ, МЕН ҲАМ — ДЕМАК, ҲАММАМИЗ СЎРАШГА ҲАҚЛИМИЗ

Бир пайтлар маҳалламизда яшайдиган Шодиёр бобо доимо болаларни атрофига йиғиб, уларга ривоятлар айтиб берар, ҳар бирини худди фарзандидек суйиб эркалатарди. Лекин безориларини аяб ўтирмасди. Дарахт шохини синдириб, чумчуқ уясини бузганларни кўрса, қаттиқ койир, «Нега бундай қилдинг, оқибатини ўйламадингми?» деб қулоқларидан чўзарди. Бир куни бобонинг дўстлари ўртага олишиб:

— Қачонгача шу болаларнинг ичида ўралашиб юрасан. Улар бузғунчилик қилса сенга нима? Ҳаммасини ўз ҳолига қўй, ота-оналари тарбиялаб олаверсин?! — дейишибди.

Бобо анча ўжар эди. Тенгқурларининг гапини индамай эшитиб турибди-да, сўнг бош чайқаб:

— Болаларни тарбиялаш фақат ота-онанинг иши эмас, бунга барчамиз жавобгармиз, шуни биласизларми? Бугун қушнинг инини уриб туширган, экинни оёғи билан янчиб, мевали дарахтнинг шохини синдирган болани кўриб ҳеч бировимиз индамасак, «бу ишинг хато» демасак, бир кун келиб, улар бундан ҳам каттароқ қинғирликларга қўл урмайдими, ахир?! Ўшанда бутун маҳалла «аттанг» деб қолса майлими? — дея қуюнган экан.

Дарвоқе, бобо ҳақ гапни айтган эди...

Илгарилари бирор ўспирин кўчадан ўтиб кетаётганида маҳалла қариялари уни тўхтатиб, «Сен кимнинг фарзандисан, ўғлим?» дея саволга тутишарди. Бола отасининг исми-шарифини айтгач, қариялар «Фалончининг набираси экансан-да, сенинг бобонг мана шундай инсон эди» дейишарди. Бобосининг яхши фазилатларини ўзгалар тилидан эшитган ўспирин қаддини янада баланд тутиб, йўлида давом этарди. Ота-боболари билан фахрланган ўғил бир кун келиб ўз миллати, ўз юрти билан ҳам ғурурланади!

Болани ёнига ўтқазиб ҳадеб насиҳат қилаверадиган оталар ҳам, оналар ҳам бор. Ёхуд баъзилари уриб-сўкиб, ўғилга ўз таъсирини ўтказмоқчи бўладилар. Ҳар икки ҳолатда ҳам кутилган натижага эришиш қийин. Ота-она ўз боласига шахсий ибрат кўрсатиши керак! Акс ҳолда, донолар айтганидек: «Бажармайди фарзанд отаси сўзин, Ҳолва ема деса, еб туриб ўзи!»

— Биз оила даврасида ўзимизни шундай тутайликки, токи фарзандларимиз ҳаётнинг мазмунини англасин, инсон атрофидагиларга яхшилик қилиб яшаши зарурлигини тушуниб етсин, юрт манфаатларини ҳимоя қилишни ўрганисин, — дейди Тошкент шаҳридаги «Гулистон» маҳалласи фаолларидан бири Шавкат ота Саидхонов. — Агар ҳар биримиз ўз тинчимизни кўзлаб яшайверсак, катта мақсадлар йўлида қуйиб-ёниб илгариламасак, изимиздан келаётган ўғилларимиз, набираларимиз тақдири нима бўлади? Ахир улар бизнинг хатти-ҳаракатимиздан ўрганишади, гап-сўзларимизни эшитиб фикрлашади, бўйимизга қараб қад ростлашади. Яхши фарзандни вояга етказиш учун ота-оналарнинг ўзлари сергак, ҳушёр, билимдон ва меҳнатсевар бўлишлари шарт!

Суҳбатдан сўнг отахон ўзи яшаётган маҳалла ҳақида ҳикоя қилади. Айтишларича, гузарлар обод, ҳар кўча гулу гулзор, оилалар тинч-фаровон. Шундай ибратли масканда ўғлонлар ишсиз бекор юрса, иллатларга ружу қўйса уят-ку, ахир. Ҳар ойда икки-уч маротаба ёшлар билан суҳбатлар уюштирилади. Ҳар бир ўсмирнинг юриш-туриши маҳалла фаоллари назоратида. Эътиборда гап кўп-да.

...Ички ишлар идорасининг вояга етмаганлар бўлимига ўн тўрт ёшли болани олиб келишади. Маълум бўлишича, у мактабдан уйига келгач, зерикиб кўчага чиқади. Худди шу пайт қўшни маҳаллалик уч-тўртта бола уни ўзларига қўшиб олишади. Аввал у ёқ, бу ёқдан сўзлашиб ўтиришади. Сўнг қурилиши чала қолган иморат ортига ўтиб, наша чекишади. Шу куни кечқурун боланинг тоби қочади. Ота-она «ўғлимизнинг қорни оғрибди» деб дори-дармон қилишади. Эртасига у мактабга бормасдан кечаги болалар билан бирга юради, яна кун давомида икки-уч марта ўша «дори»дан татиб хузурланишади. Орадан беш-ўн кун ўтгач эса безориларнинг каттаси «Биз ҳам буни сотиб оламиз, керак бўлса, пул топиб келасан» дейди. Шўрлик нима қилишини билмай тунда уйидан пул ўғирлайди. Ҳаётида биринчи марта жиноятга қўл уради. Бир ой ўтар-ўтмас, онасининг тилла узугини сотаётган пайтда қўлга тушади...

Хўш, айб кимда?

Бир ой ичида наҳот ота-она боласидаги «ўзгариш»ни сезмаган бўлса?

Ўқитувчилар ҳам боланинг мактабга келмаётгани сабабини суриштиришмаган. Маҳалладагилар ҳам боланинг хатти-ҳаракатини кўздан кечиришмаган, бараварига қилинган лоқайдликларнинг оқибати нима бўлди? Қисқаси, бир болакайнинг ҳаёти издан чиқди, пешонасига «гиёҳванд» деган тамға босилди...

Сирдарё вилоятида бўлганимда бир қишлоқ фуқаролар йиғини раисидан «Бекор юрган ёшлар иш билан таъминланаяптими?» деб сўрадим.

— Бизда бекор юрган ёшлар йўқ, — деди у. — Чунки мактабни битириш арафасида турган ҳар бир боланинг оиласидагилар билан мустаҳкам алоқа ўрнатганмиз. Боланинг юриш-туриши, ўзини тутиши ҳамиша диққат-эътиборимизда, кўп ёшлар касб-ҳунар коллежларида ўқийди. Бошқаларига маҳаллада ҳунар ўргатувчи қисқа курслар ташкил этганмиз. Ўқишга киролмаган ёшларни дарров шу ҳунар курсларига жалб этамиз. Биз нафақат ўғил болалар, балки қиз болалар тарбиясига ҳам қаттиқ турамиз, улар то оила қургунларигача ҳунар эгаллаши, илму одобни ўрганишлари ва рўзғор юритиш сирларини билишлари керак.

Қанийди, шунақа маҳалла ва қишлоқлар янада кўпроқ бўлсайди. Негаки, кўпгина қизларни турмушга тайёрлаш ҳақида катта давраларда соатлаб гапирамизу, аммо ўғил болалар хусусида лом-лим демаймиз. Агар ўйлаб қарасак, айрим оила бошлиқларининг ишсиз юриши, рўзғор тебратишни эпплолмаётгани аслида уларнинг авваланоқ турмушга тайёр бўлмагани оқибати эмасмикан?

Ўғил катталарга ҳурмат-иззатни, аёл шахсига эҳтиромни, оила масъулиятини ўзи униб-ўсган хонадонда ўрганади. Демак, ота-она ахлоқу одобда, илму ҳунарда, юриш-туришда ўғлонларга намуна бўлишлари керак.

Ана шундагина ўғил ҳам, қиз ҳам ота-онаси билан фахрланади, шу билан бирга оилага, маҳаллага, Ватанга меҳр-муҳаббати ортади.

Гулчеҳра ЖАМИЛОВА

Мустақиллик имкониятлари

«Президент Ислом Каримов ташаббуси билан бунёд этилган Термиз археология музейи мозий ва келажакни боғловчи бебаҳо маънавий кўприкдир, — дейди ҳиндистонлик олима Лолита Неру хоним. — Бу ерда сақланаётган 33 минг 200 га яқин экспонатдан ҳайратга тушдим. Нодир топилма — олтин пластинка эса ҳаяжонимни янада оширди».

Arab yozuvi bitilgan oltin plastinka bo`lagi. VIII asr. Ko`hna Termiz.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Олиму фузалолар юрти Термиз шаҳри мустақиллик йилларида янада чирой очди. Кўркам бинолар, бетакрор иншоотлар барпо этилди. Ажойиб бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Шаҳарга кўрк бағишлаб турган кошоналардан бири Термиз археология музейидир.

Шарқ меъморчилиги анъаналари асосида бунёд этилган бу кўркам иншоот 2001 йили фаолият бошлади. Юз минг экспонат сақлашга мўлжалланган ушбу масканда дастлаб бир неча минг топилма сақланган бўлса, йиллар давомида унинг хазинаси янада бойимоқда. 2004 йили музей залларидаги бетакрор ашёлар 28 минг 323 тага етди, айни кунларда улар сони 33 мингдан зиёд.

Музейнинг умумий майдони 8440 квадрат метрдан иборат бўлиб, устки қисмида битта катта ва тўртта кичик гумбаз бор. Кўркам кириш зали, тўққизта бўлим мавжуд. Айвонда эса эрамиздан аввалги I-III асрларга мансуб устун асослари галереяси, турли даврларга оид хумлар, сопол қувурлар, шернинг бош қисми акс этган мармартош қўйилган. Иккинчи қаватдаги тўққизта залда тош давридан тортиб XX аср бошларига қадар бўлган моддий-маданий тарихни ифода этувчи экспонатлар ўрин олган. 2003 йилдан бошлаб музей интернет тармоғига уланди. Айни кунларда барча маълумотлар инглиз, рус ва немис тилларида узатилмоқда. Марказий Осиёда ягона бўлган мазкур музейга ҳар йили дунёнинг кўплаб мамлакатларидан сайёҳлар, тарихчи ҳамда археолог олимлар ташриф буюришади.

— Музейдаги ҳар бир осориатиқа олис мозийдан сўзлайди, — дейди бу ерга зиёратга келган ҳиндистонлик олима Лолита Неру хоним. — Айниқса, 114 та энг ноёб экспонат менда катта таассурот қолдирди. Эрамиздан олдинги 6-4 минг йилликка мансуб тош омоч, бронза даврига оид аёл қабри, Сополлитепадан қазиб олинган мухрлар шулар жумласидан. Шунингдек, бақтрча ёзувли хум бўлаги, тилла тугмачалар, минглаб кумуш тангалар ҳар бир кишини мафтун этиши муқаррар. Яқинда топилган олтин пластинка эса барчани ҳайратга солиши табиий.

— Дарҳақиқат, араб ёзуви битилган олтин пластинка кўплаб хорижлик меҳмонларни мафтун этмоқда, — дейди музей раҳбари Исмоил Ботиров. — Тўртбурчак шаклдаги топилма 7x6 миллиметрдан иборат. VIII-асрга оид мазкур олтин пластинканинг бир қисми синган... Устида араб имлосида «алиф», «ал артикли», «вов» ва қўш ҳарфлар битилган. Ушбу ёзувлардан топилманинг милодий 743 йилга оидлиги аниқланди.

— Ушбу музейдан олган таассуротларимни сўз билан ифодалаш мушкул, — дейди россиялик қадимшунос Татьяна Альпаткина. — Кумуш чилим, тилло суви юритилган аёллар тақинчоғи, қимматбаҳо ханжар, балдоқ, узукларни қайта-қайта томоша қилиб, бундан бир неча аср илгари ҳам юртингиз ҳудудида ҳунармандчилик ва санъат юксак тараққий этганига гувоҳ бўлдим.

Дарҳақиқат, Термиз археология музейи нафақат юртдошларимизни, балки хорижликларни ҳам лол қолдирмоқда. Бу албатта истиқлолнинг бизга берган буюк туҳфасидир. Йиллар, асрлар ўтса-да, у ўз қадр-қиммати билан келажак авлодларга тарихнинг сир-синоатларидан ҳикоя қилиб, уларга фахр-ифтихор бағишлайверади.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Суратларда: *Термиз археология музейидан лавҳалар.*

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар.

Спорт

МАКСИМ ШАЦКИХНИНГ РЕКОРДИ

2010 йили Жанубий Африка Республикасида ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувларининг илк баҳсида Ўзбекистон терма жамоаси Хитой-Тайпейи футболчилари устидан 9:0 ҳисобида зафар қучди



Гарчи ушбу учрашувда ҳамюртларимизнинг ғалабасига ҳеч ким шубҳа қилмаган бўлса-да, ўйин бу қадар йирик ҳисобда тугашини кўпчилик кутмаган эди. Баҳснинг биринчи бўлимидаёқ 5:0 ҳисобида олдинга чиқиб олган футболчиларимиз танаффусдан кейин ҳам ҳужумкорликни сусайтирмадилар. Натижада бу ўйин якунида ҳисобда ҳам ўз аксини топди — 9:0. Тўпларни Максим Шацких (4, 16, 34, 67, 77), Тимур Копадзе (28), Виктор Карпенко (43), Улуғбек Бақоев (54) ҳамда Шавкат Саломов(68)лар киритди.

Бу жаҳон чемпионати саралаш баҳсларида тўртинчи маротаба иштирок этаётган мамлакатимиз миллий терма жамоасининг ўз тарихидаги илк энг йирик ҳисобдаги ғалабасидир. Тўғри, футболчиларимиз бунгача Мўғулистон терма жамоасини 15:0 ҳисобида енгишган. Аммо бу учрашув 1998 йили Осиё ўйинлари доирасида ўтказилган эди.

Яна бир эътиборли жиҳати, Максим Шацких терма жамоа ўйинчиларидан биринчи бўлиб, бир учрашувда рақиб дарвозасини беш бора аниқ нишонга олди. Бунгача футболчиларимиздан Сергей Лебедов (1998 йил, Ўзбекистон — Мўғулистон) ҳамда Жаъфар Ирисметов (2001 йил, Ўзбекистон — Хитой-Тайпейи)лар тўрт мартадан муваффақият қозонишганди. Шундай қилиб, миллий терма жамоа таркибида йигирма еттинчи учрашувини ўтказган Максим Шацких ўз ҳисобидаги тўплари сонини 36 тага етказиб олди.

Эслатиб ўтамиз, жавоб ўйини 28 октябрь куни Хитой-Тайпейининг «Чуншань» стадионида ўтказилади.

ЖАҲОН КУБОГИ БАҲСЛАРИГА

ЙЎЛЛАНМА БЕРУВЧИ ТУРНИР ҚИБРАЙДА БЎЛИБ ЎТДИ

Эркаклар ва аёллар ўртасида шоҳмот бўйича ўтказилган мазкур нуфузли мусобақада Марказий Осиё давлатлари шоҳмотчилари ўзаро куч синашдилар. Қувонарлиси, унда ҳамюртларимиз ҳам муносиб дона суришди.

Эркаклар ўртасида жаҳон кубоги баҳсларининг финал босқичига бериладиган икки йўлланманинг бири ФИДЕ устаси Антон Филипповга насиб этди. У билан бир хил — 11 имкониятдан 8 очко жамғарган Анвар Исмагамбетов (Қозоғистон) эса иккинчи ўрин соҳиби бўлди. Кейинги йилларда қатор халқаро турнирларда юқори кўрсаткичларга эришаётган яна бир вакилимиз Тимур Гареев эса пешқадамлардан атиги ярим очко кам тўплади.

Аёллар ўртасида кечган баҳсларда қўқонлик Нафиса Мўминовага тенг келадигани топилмади — 6,5 очко. Қозоғистонлик Доно Акетаева эса ундан ярим очко ортда қолди. Яна бир умидли шоҳмотчимиз жиззахлик Юлдуз Ҳамроқулова (5,5 очко) эса учинчи ўрин билан кифояланди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ХАЛҚ БАНКИ

BANK XALQ BANKI

Пахта йиғим-теримида қатнашаётганларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида

«ПАХТАКОР» ва **«МАДАДКОР»** омонат турларини таклиф этади.

✓ **«ПАХТАКОР»** омонатига маблағлар **45 кун** муддатга, йиллик **25 фоиз даромад** тўлаш шарти билан камида **50 000 СЎМ** миқдорида қабул қилинади.

✓ **«МАДАДКОР»** омонатига маблағлар **3 ой** муддатга, йиллик **25 фоиз даромад** тўлаш шарти билан камида **100 000 СЎМ** миқдорида қабул қилинади.

«Ёш оила»ларга барча имконият ва қулайликларни яратган ҳолда, улар учун **«ЁШ ОИЛА»** — омонат турини амалиётга ТАДБИҚ ЭТАДИ.

Омонатга маблағлар **30 ёшгача** бўлган ёш оила аъзоларини (эр ёки хотин) бирининг номига йиллик **24 фоиз даромад** тўлаш шарти билан **6 ой** муддатга камида **100 000 СЎМ** миқдорида қабул қилинади.

Омонатда сақланган маблағларга ҳар ойнинг 1-санасига фоиз даромади ҳисобланиб (капитализация) қолдиққа қўшилади.

Шунингдек, банкка ишонч билдирган омонатчиларга **«Фаровон ҳаёт», «Имкон», «Самара», «Ташаббус-1», «Даромад плюс», «Фарзанд келажаги», «Афзал», «Матонат», «Мустақил ҳаёт», «Шодлик», «Маҳалла фидойилари»** каби миллий ва чет эл валютасидаги 20 дан ортиқ омонат турларини таклиф этади.

ОМОНАТЛАРГА МАБЛАҒЛАР ХАЛҚ БАНКИНИНГ БАРЧА МУАССАСАЛАРИ ОРҚАЛИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

ХАЛҚ БАНКИДА АҲОЛИ ОМОНАТЛАРИНИНГ ДАХЛСИЗЛИГИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНГАН!

Тошкент радиотехника техникуми томонидан Тухтаев Роман Исламович номига 1992 йилда берилган ПТ-1 №139716 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«MADANIY MOLLAR» Республика ихтисослаштирилган улгуржи база — конторасси жамоаси мазкур база раиси Собиржон Маҳмудович Маҳмудова онаси **Саидахон МАҲМУДОВА**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G`ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Turobjon JO`RAYEV
Feruz NAZIROV
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug`bek MUSTAFOYEV
Norqobil JALIL
(Bosh muharrir o`rinbosari)
G`affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Nomoz SA`DULLAYEV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Partiya hayoti 133-10-13
Ma`daniyat va sport 133-69-45, 133-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36, 133-44-55 (Tel. Faks)
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ`ibot 133-12-56
Kotibiyat 133-72-83, 136-55-17
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Sobirjon TUNG`ATOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 949
7860 nusxada bosildi
1 — Tijorat materiallari
O`zA yakuni — 23.15
Topshirilgan vaqti — 23.20
2 3 4 5 6

Sotuvda erkin narxda